



## ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИКДА ЛУҒАТШУНОСЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

<sup>1</sup>Жураева Шалола Хусанбоевна,

Фарғона давлат университети  
француз тили фани ўқитувчиси.

<sup>2</sup>Жўраева Мохинур Нажмиддин қизи,

Фарғона давлат университети  
22.120 гуруҳ талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7460626>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 19<sup>th</sup> December 2022

Online: 20<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Луғат, замонавий  
тилшунослик, таржи  
машунослик, луғатшунослик,  
мулоқот, лексикография,  
термин.

Сўз инсонларнинг энг асосий мулоқот воситасидир. Узоқ йиллар давомида илм – фан тараққий этиб, мулоқотнинг тез ва қулай воситалари яратилган бўлсада, ҳали ҳамон нутқимизда бизга нотаниш сўзлар учраб туради. Бундай ҳолатларда ҳар қандай шахс энг аввало луғатларга мурожаат қилади. Франция таълим вазирлигининг 1963 йил 7 майдаги қарорида луғатларнинг педагогик аҳамияти хусусида шундай сўз боради: “француз тили грамматикаси ва француз тили луғати ўқув йили давомида ўқувчилар кўлидан тушмаслиги лозим”<sup>1</sup>. Қарорда таъкидланган мазкур кўрсатмалар луғатга асосий ўқув қўлланма сифатида қарашга ундайди.

Лексикография шундай нозик ҳунарки, ушбу фан билан шуғулланиш кучли сабр – тоқат, шунингдек, чуқур лингвистик ва филологик билимни талаб этади, зеро луғатшунослар ҳар

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада мулоқот ва унинг аҳамияти, луғатнинг замонавий тилшуносликда ҳамда таржимашуносликдаги ўрни, хусусиятлари, лексикография, лингвистик ва филологик билим сўзларнинг хусусиятларини луғатшунослар томонидан ёритилиши, кузатувлар давомида тўпланган фактлар ҳақида фикрлар келтирилган.*

бир сўз хусусиятларини ёритиб, уларни узоқ кузатувлар давомида тўпланган фактлар билан исботлаган ҳолда шарҳлар жамиятнинг барча тоифасидаги инсонларга тушанрли бўлишини таъминлашлари лозим бўлади. Бир сўз билан айтганда, ушбу соҳа вакиллари чин маънода тил ҳуқуқшуносларидир, яъни улар филологик ва лингвистик жиҳатларини ҳисобга олиб лексикография тамойилларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар, дея таъкидлай испан лексикографи Натали Мартин ўзининг илмий мақолаларидан бирида. Унинг таъкидлашича, лексикография филология ва лингвистикани бошқа фанлар билан боғлаб турувчи воситадир. Турли соҳа вакиллари луғат моҳиятини турлича қабул қилишади. Шунинг учун ҳам “луғат” тушунчасини етарли даражада ўрганиш ҳамда ўргатиш луғатдан оқилона ва самарали фойдалана билишни таъминлаб беради.

Дастлаб луғатлар тилнинг сўз бойлигини сарҳисоб қилувчи китоб сифатида шакллантирилган. Луғатларнинг энг биринчи шакллари

<sup>1</sup> Martin N.C. Lexicographie et traduction : les différents types de dictionnaires : classement et typologie. Malaga. p. 318.



сўзлар рўйхати кўринишида бўлиб, улар ҳақидаги маълумотлар қадимги Шумер, Сурия ва Миср ёдгорликлари орқали бизгача етиб келган.<sup>2</sup> Шарқда асосан асарлардаги мураккаб жумлаларни шарҳлаб, маъносини тушунтириб беришган бўлса, ғарбда лотин ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар таржимаси ҳамда таҳлилига бағишланган луғатлар яратилган. Дастлабки луғатлар сўзловчи нутқини тушуниш мақсадида турли тоифадаги инсонлар томонидан тузилиб келинган бўлса, бугунги кунга келиб таржиманинг тараққиёти ва замонавий фан-таълим талабларига биноан луғатшунослик алоҳида фан сифатида шаклланиб келмоқда.

Таниқли испан луғатшуноси Х.Касарес ўзининг машҳур китоби “Замонавий лексикографияга кириш” китобида таъкидлаганидек, “лексикография бу – луғат тузиш техникаси ва санъатидир.”<sup>3</sup> Мазкур жумлалар луғатнинг фан тараққиётидаги аҳамияти нечоғли муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбек тилшуноси А.А.Абдуазизов уч тилли тилшунослик терминларининг луғати устида ишлар экан, ушбу жараён бир қанча луғатшунослар тажрибасини ўрганиш натижасида амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтади.<sup>4</sup> Луғат тузишда муйян соҳадаги сўзларни тўплаб, уларни шарҳлашнинг ўзи етарли эмас, бу жараён хорижий ва илмий тажрибаларга асосланган бўлиши шарт. Хорижда луғатларнинг тузилишидан аввал сўзларнинг тушунарси ҳолатлари ўрганилиб, ундан сўнг бадиий адабиётдан олинган мисоллар асосида луғатлар тузиб

чиқилади. Шунингдек, муаммоли тушунчаларни топишда таржимонларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга.

Таржимашунослик тараққиётида ҳам луғатларнинг ўрни беқиёс. Тилни барча мукамал тушунчалари билан тўлиқ ўргаган таржимон бўлмаса керак. Нотаниш сўзларни излаб топишда таржимонларнинг асосий қуроли, албатта, бу – луғатлардир. “Демак, бадиий асар таржимони ҳар қандай ҳолатда ҳам луғатсиз ишлай олмайди, яъни турли бир ёки икки тилли луғатларга мурожаат қилади.”<sup>5</sup> Бу эса луғатнинг таржимашуносликдаги аҳамиятини белгилаб беради.

Луғат тузиш масалалари хусусида ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидаги фикрлар келтириб ўтилган: “Амалий лексикография соҳасида эришилган муайян муваффақиятлар билан бир қаторда луғатчиликнинг назарий муаммоларига — луғатшуносликка ҳам эътибор қаратилди ва изоҳли ҳамда икки тилли луғатларнинг маълум лексикографик масалаларини ҳал этишда орттирилган бой тажрибани, шунингдек, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни ёритишга бағишланган бир қатор илмий ишлар ҳам амалга оширилди. Бундай изланишларнинг натижа ва хулосалари тузилажак луғатларнинг сифатини яхшилашга ёрдам бериши шубҳасиз.”<sup>6</sup> Ўзбек тилининг янги изоҳли луғати ана шундай бой лексикографик тажриба асосида юзага келди. Икки тилли луғатларда ва миллий маданиятга хос сўзларнинг таржимасида юзага келадиган муаммоларни таҳлил этишда

<sup>2</sup> DEBOVE, R., Etude linguistique et sémiotique des dictionnaires français contemporains, Paris, Mouton, 1971, p. 65.

<sup>3</sup> Гринштейн Э.М. Использование словарей в работе переводчика. – А.: 2010., -Б.5.

<sup>4</sup> Абдуазизов А.А. Тилшунослик терминларининг изоҳи ҳақида. “Лексикография ва фразеологиянинг долзарб муаммолари” республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: 2014.,-Б.7.

<sup>5</sup> Рахимов Х.Р. Таржима луғати: дефиниция, классификация ва иллюстрация. “Лексикография ва фразеологиянинг долзарб муаммолари” республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: 2014.,-Б.11.

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Давлат илмий нашриёти., 2006, -Б.7.



ушбу луғатдан асосий манба сифатида фойдаланамиз. Зеро изоҳли луғатлар тилнинг қомусий қўлланмасидир.

Ушбу луғатлар китобхонлар учун асосий манба сифатида хизмат қилиб, тушунмовчиликлар юзага келишини олдини олиб келмоқда. Бироқ ўзбек тилидан чет тилига таржима қилинган асарларни таҳлил қилиш жараёнида матндаги миллий-маданий сўзларнинг тушиб қолдирилиши ёки нотўғри таржимасига гувоҳ бўламиз. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва миллий маданиятимизнинг тароватини сўзлар орқали жаҳон китобсеварларига тўғри етказиб бериш, шунингдек таржимонларга қулайлик яратиш лексикографлар олдида турган муҳим вазифадир. Луғатларда берилиши лозим бўлган сўзлар шунчаки бошқа тилга таржима қилиб қўйилган бўлиши эмас, балки халқаро лексикографик меъёрларга мувофиқ ҳолда таърифланиши, бошқа тилга ўгириладиган сўз этнографик хусусиятларини йўқотмаслиги ҳамда чет элликлар учун тушунарли бўлиши керак. Бундай ҳолатларда Европа лексикографлари тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

“Луғат бирор соҳада таҳлил қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган кенг маълумотлар манбаига эга. Шу билан бирга, луғатни илмий жиҳатдан ишлаб чиқишда бошқа соҳаларга ҳам таянмоқ керак бўлади.”<sup>7</sup> Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, луғатшунослик лингвистика ва таржимашунослик соҳалари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки деярли барча назарий манбаларда луғат тузишнинг асосий шартларидан бири бу берилган сўзни лингвистик таҳлил этиб, бадиий адабиётдан намуналар келтириш

лозимлиги уқтирилади. Икки тилли луғатларда эса берилган сўзнинг маъносини тўлиқ тушунтиришда берилган мисоллар баъзан таржима асарлардан олинади. Айнан таржима фаолиятида олинган тажрибалар ёрдамида луғатлардаги шарҳлар тартиби белгилаб берилади. Масалан, Юрий Степановнинг “Константы: словарь русской культуры” китобида биргина “ремесло” сўзининг изоҳини бериш учун ушбу сўзнинг лингвистик таҳлили билан биргаликда таржима асарлардаги ифодаланиши ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган.

Францияда тил ва маданият масаларига доир илмий изланишлар олиб борган Светлани Пушкиова маданиятнинг тилда акс этиш тизимини ўрганишда энг аввало сўз хусусиятларидан илмий таҳлилни бошлаган. Яъни сўзнинг маданий хусусиятларидан аввал лингвистик ва семантик хусусиятлари чуқур ўрганилиб, ундан сўнг бу кичик тил бирлигининг матндаги хусусиятлари алоҳида ўрганилган. Шундан сўнггина унга маданий тушунча сифатида таъриф беради.<sup>8</sup> Бундан ташқари тадқиқотчи бир сўз доирасида чет эллик талабаларнинг тушунчаларини ҳам ўрганиб чиққан. Маслан, французларда суҳбатлашганда пул ҳақида гапирилмаслиги, соч турмаклар юриш ёши катта аёлларга хос иш деб тушунилиши каби маданий хилма-хилликлар ҳам таҳлил этилган.

Роберт Галиссон, тилнинг миллий хусусиятларини ўрганиб ёки ўзга тилдаги ноўрин қўлланган ибораларни танқид остига олиш билан миллатчи бўлиб қолинмайди, аксинча ўзга тилларнинг хусусий – маданий

<sup>7</sup> Демешкина Т.А. Лексикографическое направление в Томской диалектологической школе. Итоги и перспективы// Вестник Томского госу-дарственного университета. Филология. 2011. №3. -С. 31–37.

<sup>8</sup>Pouchkova S. Vers un dictionnaire des mots à Charge Culturelle Partagée comme voie d'accès à une culture étrençère. – Strasburg. : 2010.



жиҳатларини ўрганмайдиган инсонлар миллатчидир, деган эди.<sup>9</sup>

Тил инсониятнинг тарихий тараққиёт жараёнида яратган барча маданий ва илмий бойликларини ифодаладиган ҳамда авлоддан авлодга мерос қолдирадиган асосий воситадир.

Ҳар бир тилнинг негизи, асоси унинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиш ва луғат манбаидан ташкил топади. Тилнинг қурилиши, луғат манбаи ва фонетик системасининг ҳар бири алоҳида системани ташкил қилганидек, тилнинг ўзи ҳам яхлит ҳолда бутун бир системани ташкил қилади. Ушбу тизимни тилнинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари бирлаштириб турибди. Тилдаги ўзига хосликлар халқнинг миллий қадриятлари ва урф – одатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунончи миллий маданиятни ифодаловчи сўзлар шу қадриятлар асносида шаклланган бўлиб, улар тил луғат таркибининг энг асосий бойлиги ҳамда бошқа тиллардан ўзбек тилини фарқлаб турувчи бош манбадир. Асрлар мобайнида ўз тилига бефарқ бўлмаган ватандошларимиз ўзбек тилига хос, шунингдек ўзбекона маданиятни ўзида намоён этувчи сўзларни саралаб, жамлаб, уларнинг аслиятини луғатлар орқали келажак авлодга етказиб келмоқдалар.

---

<sup>9</sup> Pouchkova S. Vers un dictionnaire des mots à Charge Culturelle Partagée comme voie d'accès à une culture étrençère. – Strasburg. : 2010.



## References:

1. А. Абдуазизов. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010.
2. Э. Хужаниёзов. “Тилшунослик асослари” маърузалар матни. – Нукус. 2006.
3. DEBOVE, R., Etude linguistique et sémiotique des dictionnaires français contemporains, Paris, Mouton, 1971, p. 65.
4. N.N. Lopatnikova, N.A. Mochovitch. Lexicologie du français contemporain. Moscou, 2001
5. Jurayeva Shalola Xusanboyeva, “On the expression of words from french language to uzbek language”. American journal of social and humanitarian research vol 2 no 9, 119, 120, 121.
6. Shalola Jurayeva, Shahzoda Azimova, FRANSUZ TILIDAN O‘ZBEK TILIGA O‘ZLASHGAN SO‘ZLARNING IFODALANISHI XUSUSIDA, Академические исследования в современной науке, 2022/12/7. Volume 1 Issue 19 Pages 45-49.
7. Shalola Jurayeva, Abbaskhan Haydaraliyev, EXPRESSION OF PROVERBS IN FOREIGN LANGUAGES AND THEIR SPECIFIC CHARACTERISTICS, Models and methods in modern science, 2022/12/7. Volume 1 Issue 17 Pages 8-11.
8. Shalolakhon Jurayeva, Mashhura Gofforova, APPLICATION OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE, Models and methods in modern science 2022/12/9. Volume 1 Issue 17 Pages 16-19.
9. Shalola Jurayeva Xusanboyevna, XORIJIY TILLARDA MAQOLLARNING IFODALANISHI VA ULARNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI, IJODKOR O‘QITUVCHI 2022/12/2, Volume 2 Issue 24 Pages 281-283
10. I.T. Dehqonov. Tarjimashunoslikda ekzotizm tushunchasi va uning tafsifi haqida. (2020) Namangan davlat universiteti ilmiy axborotnomasi 12 (12), 250-253.
11. I.T. Dehqonov. Les competences interculturelles, un avantage aupres des recruteurs en etrenger. (2022) Международная научно-практическая конференция 3 (3), 137-139.
12. Dehqonov, I.T. (2022). NUTQIY ETIKET BIRLIKLARI (FRANSUZ VA O‘ZBEK TILLARI MISOLIDA). IJODKOR O‘QITUVCHI, 2(23), 222-226.
13. МТК Жураева, ГР Астонова - Вестник науки и образования, 2019 Использование социальных форм повышение эффективности занятий. 3.20 (74) 20-22.
14. Astonova Guzalkhon Rakhmonalievna. Lexical Units Related to the Education System in a Comparative Study of Different Languages. American Journal of Social and Humanitarian Research 6 (6), 1-6.
15. Г.Р Астонова. ГЕРМАНИЯДАГИ ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР. Евразийский журнал академических исследований 1 (9), 273-277.